

сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы, направленных на обеспечение производства продукции с высокой добавленной стоимостью в отрасли плодоовощеводства и виноградарства, увеличения объема экспорта, а также организации эффективного использования возможностей садов, виноградников и теплиц, необходимо решить ряд проблем и вопросов, связанных с расширением инвестиционных возможностей сельскохозяйственных предприятий, повышением инвестиционной привлекательности плодоовощеводческой отрасли, в числе которых:

- слабое формирование нормативно-правовых условий и финансовых возможностей для обеспечения реализации мер, установленных в государственной политике и программе поддержки производителей плодоовощной продукции, поэтапно осуществляемых во всех регионах республики;

- частые изменения в системе финансирования и поддержки в развитии инфраструктуры плодоовощного подкомплекса, обеспечении качества и стандартов продукции, осуществлении мониторинга и контроля, формировании агропредпринимательской среды для обеспечения выращивания плодоовощной продукции с высокой добавленной стоимостью;

- низкая степень решаемости вопросов, связанных с обеспечением приоритетности привлечения инвестиций в плодоовощную отрасль, в том числе на основе государственно-частного партнерства, направленных на модернизацию и диверсификацию отрасли для произ-

водства продукции отрасли на основе требований ВТО и ЕАЭС;

- нестабильность финансирования системы, обеспечивающей рациональное и эффективное использование земельных и водных ресурсов для выращивания плодоовощной продукции, отсутствие возможностей внедрения инновационных технологий в связи с ограниченностью экономических возможностей после окончания целевой поддержки;

- недостаточное развитие кооперационных и интеграционных связей (в том числе кластеров) в плодоовощной отрасли, слабое формирование системы корпоративного управления на пути достижения единой цели, а также необходимость совершенствования трудовых отношений в отрасли;

- низкие темпы и масштабы внедрения системы цифровой экономики в плодоовощную отрасль, основанной на IT-технологиях, в отдельных регионах республики и др.

Решение названных проблем создаст предпосылки для повышения инвестиционной привлекательности плодоовощной отрасли и, как следствие его ускоренное и эффективное развитие.

Плодоовощная сфера в Узбекистане является важным сегментом в обеспечении продовольственной безопасности страны и регионов. Поэтому в данной сфере предпринимаются всевозможные меры по ускоренному развитию производства плодоовощной продукции, которые дают свои результаты.

Источник и литература:

1. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-598 от 25.12.2019 г. «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». Статья 3. <https://lex.uz/ru/docs/4664144>
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 23.10.2019 г. N УП-5853 "Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы".
3. Кейнс, Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег // Избранные произведения / Дж. М. Кейнс. – М.: Экономика, 1993. – 341 с.
4. Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен). В 2-х т. М.: Экономика, 1997
5. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 стр.
6. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический сборник. 2016-2020 гг. Ташкент – 2021. www.stat.uz

МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Хусанов Дурбек Нишонович -
Тошкент молия институти доценти*

Аннотация: Мақолада мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизими, инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар, ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш тартиби, инвестицион фаоллик омиллари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция лойиҳаси, инвестиция муҳити, инвестицион салоҳият, инвестиция фаоллиги.

ХАРАКТЕРИСТИКА ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В СТРАНЕ

*Хусанов Дурбек Нишонович -
Доцент, Ташкентский финансовый институт*

Аннотация: В статье рассматривается и анализируется система формирования инвестиционной активности в стране, факторы, отражающие инвестиционную активность, порядок формирования инвестиционного потенциала регионов, факторы инвестиционной активности.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционный проект, инвестиционная среда, инвестиционный потенциал, инвестиционная деятельность.

CHARACTERISTICS OF INVESTMENT PROCESSES IN THE COUNTRY

*Husanov Durbek Nishonovich -
Associate Professor, Tashkent Financial Institute*

Annotation: The article studies and analyzes the system of formation of investment activity in the country, the factors reflecting investment activity, the order of formation of investment potential of the regions, the factors of investment activity.

Keywords: investments, investment project, investment environment, investment potential, investment activity.

Кириш. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатни барқарор ривожланишини таъминлашда кенг қамровли тадбирларни мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади. Ана шундай муҳим тадбир ва йўналишлардан бири мамлакатимиз барча тармоқларида самарали инвестиция фаолиятини ташкил этиш, инвестиция муҳити, жараён, салоҳияти, фаоллиги ва жозибadorлиги ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналишини ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, инвестиция самарadorлиги, хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади[1]. Шу нуқтаи-назардан олганда, иқтисодий фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодийнинг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодий драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодийнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодийтимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодийдаги ижобий нати-

жалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим”[2].

Охириги йилларда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди[3].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий тадқиқотларда мамлакат инвестицион фаолиятининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш муаммоларига етарлича катта эътибор қаратилади. Аммо иқтисодий адабиётларда «инвестициялар», «инвестицион фаолият», «инвестицион механизм» ва шу каби тушунчалар тўғрисида ҳанузгача ягона бир қараш мавжуд эмас. Бундан ташқари, бизнинг назаримизда, назарий нуқтаи-назардан, илмий қизиқиш уйғотадиган инвестициялаштириш ва тадбиркорлик фаолияти каби тушунчаларнинг моҳиятига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Кўпгина илмий адабиётларда “инвестицион фаоллик”ка яқин бўлган тушунчалар: “инвестицион жозибadorлик”, “инвестицион муҳит” “инвестицион имидж” синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, “инвестицион фаоллик” мустақил категория бўлиб, хўжалик субъектларнинг барқарор молия-

вий ҳолатини характерлайди ва аниқ давр учун реал ресурсларини сафарбар этилишини англади. Буни инвестицион талабни қондирадиган жараён сифатида ҳам талқин этиш мумкин.

Инвестицион иқлим - ички ва ташқи инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатадиган ялли иқтисодий, сиёсий ва молиявий шароитдир.

Инвестицион фаолият – бу кўп қиррали ва ўзига хос тушунча бўлиб назарий жиҳатдан олиб қараганда, иқтисодиётнинг тадқиқот объекти сифатида реал сектори таърифини беришимизга тўғри келади. Иқтисодиётнинг реал сектори иқтисодий адабиётлардаги турлича талқин этилади. Иқтисодий ва молиявий луғатларда таъкидланишича, иқтисодиётнинг реал сектори – бу бевосита моддий ишлаб чиқариш, даромад олиш ва бюджетни тўлдириш билан боғлиқ иқтисодиётнинг сектори ҳисобланади.

А.М.Бункина, А.М.Семёнов каби муаллифларнинг фикрига кўра, реал ишлаб чиқариш сектори қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланишни ўз ичига олади. Фикримизча, “иқтисодиёт реал сектори” тушунчаси “моддий ишлаб чиқариш” секторидан кенгроқ бўлади. Замонавий иқтисодий шароитларда реал сектор тузилмасида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва амалга ошириш таҳлилига бағишланган, Ф.С. Тумусов томонидан таклиф этилган ёндашув ҳам диққатга сазовор. У “инвестицион салоҳият”ни сармояни такрор ишлаб чиқаришнинг моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи реал инвестицион талабга айланиш имконига эга бўлган инвестициялар бозорида инвестицион талаб шаклида намоён бўладиган, тўпланган сармоянинг бир қисмидан иборат инвестицион ресурсларнинг жамланмаси[4] сифатида талқин қилинади.

Бизнинг фикримизча инвестицион салоҳият мамлакатнинг инвестицияларни кириб келиши учун очиклиги ва иқтисодий ресурслар захираларининг мавжудлиги, уларнинг ҳажми билан белгиланади.

Инвестицион салоҳият – бу жорий ва келгусидаги инвестицион ресурслар, улардан муайян бир инвестицион майдон сатҳида фойдаланишнинг реал ва эҳтимолий натижалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг йиғиндисидир. Инвестицион салоҳиятга берилган бу таъриф мазкур тушунчанинг асл моҳияти, ўзагига кўра, фақатгина ресурс базаси ва унинг таркибий қисмларинигина тан оладиган бошқа ёндашувлардан тубдан фарқ қилади. Инвестицион салоҳиятнинг ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари йиғиндисини ифодаловчи икки хил

тавсифи шуни ифодалайдики, инвестицион ресурслар жалб этилмайди, балки улардан фойдаланиш жараёни натижасида яратилади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бири Ш.И.Мустафақулов инвестицион муҳит ва унинг шаклланиши хусусида тўхталиб: “инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади” - дея фикр билдирган[5].

Тадқиқот методологияси. Мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар юзасидан таҳлиллар амалга оширилди ва илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ҳозирги даврда мамлакатда инвестиция фаоллигини ошириш учун эркин иқтисодий муносабатлар принциплари асосида фаолият юритаётган мамлакатлар ҳамда республикада шу соҳадаги илғор тажриблардан келиб чиқиб, қуйидаги тўрт гуруҳ йўналишларида чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизимини ташкил этишда қуйидаги чора-тадбирлар муҳим ҳисобланади:

- Инвестициялашнинг молиявий маблағлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш;
- Самарали инвестициялашни таъминловчи бозор субъектларини шакллантириш ва уларни қўллаб қувватлаш;
- Реал инвестиция талабига мос ресурсларни жалб этишни таъминловчи макроиқтисодий муҳитни шакллантириш;
- Давлат томонидан инвестиция жараёни субъектларини рағбатлантириш.

Иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожлантириш тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори унумли, замонавий асосий воситалар сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш учун узоқ муддатли ва айланма маблағларига сарф қилинадиган қисқа муддатли инвестицияларни жалб суръатлари ва уларнинг миқдорига боғлиқдир.

Иқтисодиёт тармоқларида инвестиция фаоллигини оширишда узоқ ва қисқа муддатга жалб этиладиган инвестициялар нисбати ва миқдори ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки тармоқнинг инвестиция жозибадорлигини пастлиги асосий воситаларига инвестициялар жалб этишга тўлиқ имконият бермайди. Мамлакат иқтисодиётини устувор ривожлантиришга эришиш учун унинг моддий-техника базасини мустах-

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

камлаш, самарали агротехнология ва интелектуал мулк барпо этишга инвестицияларни етарли даражада жалб этиш иқтисодиётни эркин-

лаштириш шароитида зарурий жараён ҳисобланади.


1-жадвал

Мамлакат инвестиция фаоллигини шакллантириш тизими [6]

Инвестициялашнинг молиявий маблағлари ва манбаларини аниқлаш ҳамда уларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш	Самарали инвестициялашни таъминловчи бозор субъектларини шакллантириш ва уларни қўллаб қувватлаш	Реал инвестиция талабига мос ресурсларни жалб этишни таъминловчи макроиқтисодий муҳитни шакллантириш	Давлат томонидан инвестиция жараёни субъектларини рағбатлантириш
<ul style="list-style-type: none"> • хўжаликларни ички маблағлари; • давлат бюджети маблағлари; • хориж компанияларнинг маблағлари; • халқаро молиявий ёрдам маблағлари; • банк кредитлари. 	<ul style="list-style-type: none"> • турли мулк шаклларига асосланган хўжалик юриштиш субъектларини шакллантириш ва ривожлантириш; • иқтисодиёт тармоқларида хусусийлаштиришни давом эттириш; • тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш. 	<ul style="list-style-type: none"> • аҳоли жамғармалари маблағларини инвестицияларга жалб этиш учун давлат томонидан қулай шарт-шароитлар яратиш; • жорий инфляция даражасини пасайтириш; • давлат бюджети камомади ва давлат қарзини қисқартириш; • монополияга ва корупцияга қарши иқтисодий сиёсатни амалга ошириш; • банк фоиз даражасини пасайтириш; • тадбиркорликнинг барча шакллари инвестиция жараёнларида фаол иштирок этишлари учун қулай ҳуқуқий-ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • барча ишлаб чиқарувчиларга капитал маблағларини жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш; • самарали амортизация ажратмаси сиёсатини ўтказиш ва солиқ юкани камайтириш; • мақсаадли инвестиция сиёсатини устувор йўналишларини шакллантириш; • инвесторларга капитал жамғаришда амалий ёрдам кўрсатиш; • инвесторларга кафолат бериш; • лизинг муносабатларини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш.

Қуйидаги келтирилган турли хил омилларнинг ижобий тарздаги амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг фаол кириб келишига имкон беради. Бу эса, табиийки қўшимча иш жойлари, қўшимча даромад, иқтисодиётнинг ўсишига қўшимча имкониятдир. Бунга қўшимча

энг муҳими хорижий инвесторлар ўзлари билан нафақат капитал олиб кирадилар, балки ўз мамлакатларида бўлган илғор билим ва тажрибани ҳам олиб келадилар. Бу ҳам мамлакатнинг келгуси иқтисодий ўсишига имкон туғдиради.



1-расм. Инвестицион фаоллик омиллари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Инвестицион жозибаторликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади. Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибаторлиги. Бунда аниқ бир ҳудудий тизимида мавжуд

бўдган тармоқлар, соҳалар иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлар самарадорлигини аниқлашнинг таян кўрсаткичлари баҳоланади.



2-расм. Инвестицион фаолликга оид тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлик механизми

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Иккинчиси, ҳудудий хўжалик тизимининг инвестицион жозибаторлиги. Бунда қуйидаги ҳолатлар таҳлил этилиши назарда тутилади:


- мавжуд ҳуқуқий-норматив база,
- сиёсий вазият,
- инвестицион инфратузилма,
- ижтимоий-иқтисодий шароитлар,
- инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш даражаси,
- солиққа тортиш даражаси,
- стратегик ва маъмурий ресурслар.

Юқорида қайд этганимиздек, инвестицион фаоллик иқтисодий категория бўлиб, инвестицион фаолиятга объектив ва субъектив

маълумотлар орқали таъсир кўрсатиши билан намоён бўлади.

Иқтисодчи олима Т.М. Смаглюкова инвестицион фаолликни белгилловчи барча кўрсаткичларидан комплекс баҳолаш талабларига кўпроқ мувофиқ келадиган кўрсаткичларни ажратиш олади. Унинг фикрича, мазкур кўрсаткичлар инвестицион жараённинг барча томонларини акс эттирувчи инвестицион фаоллик омилларига таркибига киритилади.

Шаклланган кўрсаткичларнинг йиғиндиси иқтисодий тизим ва инвестициялаш объектлари сифатида ҳудудлар фаолиятининг ташқи ва ички омилларини қамраб олади.



3-расм. Ҳудудларнинг инвестицион фаолигини белгилайдиган омиллар[8]

Унинг фикрича, барча келтирилган омиллар ёрдамида қўйилмаларнинг хатарликка тортилган даражаси таҳлил қилиниши мумкин. Тармоқлар даражасида қўйилмаларнинг хатарлик даражасини баҳолаш учун ушбу рўйхатдан сиёсий, ижтимоий, инфратузилма, қонуний ва жиной, инновацион ва ресурс-хом ашё омиллари чиқариб ташланган. Бу уларнинг таҳлил қилинаётган кўрсаткичларни шакллантиришга етарли даражада таъсир кўрсатмаётгани билан изоҳланади.

Инвестицион салоҳият категорияси узок вақт давомида фойдаланиладиган активларга, шу жумладан, даромад ёки бошқа иқтисодий натижаларни кўпайтириш мақсадида қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш имкониятини сифатида талқин этиб келинган.

Бизнинг фикримича, уни инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг кўп босқичли жараёни сифатида кўриб чиққан ҳолда “инвестицион жараён” тушунчасига аниқлик киритиш зарурати юзага келади. Бундай ҳолда инвестицион жараёнда қуйидаги босқичларни ажратиш кўрсатиш лозим бўлади:

- инвестицион ресурсларни излаш (ҳам шахсий, ҳам жалб қилинган, омонатга олинган) – биринчи босқич;

- ресурсларни капитал қўйилмалар (харajatлар)га айлантириш, ёки инвестицияларни инвестицион фаолият (ҳақиқий инвестициялаштириш)нинг муайян объектига айлантириш жараёни - иккинчи босқич;

- инвестицияларнинг якуний истеъмоли ва янги истеъмол қийматини (фойдаланишга топширилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари шаклида) олишни тавсифловчи қўйилган маблағларни капитал қийматнинг ошишига айлантириш – учинчи босқич;

- инвестициялаштиришнинг якуний мақсади амалга ошириладиган фойда (даромад) шаклидаги капитал қийматнинг кўпайтирилиши - тўртинчи босқич.

Бундай босқичларга ажратиш нафақат инвестицион жараённинг моҳиятини очиб бериш, балки унинг таъминлаш механизмларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Молиявий бозорнинг қайси бир сектори инвестицион фаолият учун маблағларнинг бош манбаси бўлиб ҳисобланиши аниқ бўлганда биринчи босқичнинг мавжудлиги бундай имкониятни тақдим этади. Бу босқичда инвестицион фаолиятнинг механизмини таъминлашга боғлиқ равишда инвестицион жараённинг икки асосий тоифасини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- банк тизими ва иқтисодиёт реал секторининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган инвестицион жараён. Бу ҳолатда хўжалик субъектларининг шахсий маблағлари билан бир қаторда

тижорат банкларининг маблағлари инвестицияларнинг манбаси бўлиб ҳисобланади;

- қимматли қоғозлар бозори билан реал секторнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган инвестицион жараён. Бу ҳолатда инвестицион фаоллик фонд бозоридаги операциялар билан таъминланади[8].

Инвестицион жараённинг ажратиш кўрсатилаётган тоифаларини батафсил кўриб чиқамиз.

Биринчи тоифа инвестицион жараёнда банк тизимининг фаол қўлланилиши билан тавсифланади. Банк тизими инвестицион жараёнда икки усул билан иштирок этиши мумкин:

1. Жамғармалар хусусий банклар орқали инвестицияларга жамланади ва қайта шакллантирилади, шу билан биргаликда хусусий банклар молиявий-саноат гуруҳларини шакллантиради, шунингдек мустақил кредит муассасалари сифатида ҳаракат қилишлари мумкин.

2. Устувор йўналишларда иқтисодий ўсиш амалга оширишни инвестицион қўллаб-қувватлаш ривожланиш институти сифатида фаолият юритадиган давлат инвестицион банклари орқали амалга оширилади.

Хусусий банкларнинг инвестицион жараёнда иштирок этишининг биринчи усули анчадан бери лақачон шаклланган ва икки модель билан амалга оширилади - йирик тижорат банклари ишлаб чиқариш корхоналари билан яқин ҳамкорликда ишлашди молиявий-саноат гуруҳлари шакллантирилади. Банкларнинг молиявий ва саноат гуруҳларидаги роли маблағларни тўплаш, уларни тўлов асосида жойлаштириш, мижозлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланадиган институт сифатида банкнинг асосий мақсади билан белгиланади. Одатда банклар ва корхоналар акционерлаштириш воситаси орқали бир гуруҳга кирадилар. Инвестицион жараёнларни бундай рағбатлантириш модели жамғармаларни инвестицияларга айлантиришга ёрдам беради. Бу моделдаги ижобий томон иқтисодий ўсишнинг истиқболли йўналишларида юқори миқдорда маблағ тўплаш ва ресурсларни жамлашни таъминлашидан иборат. Инвестицион жараёнларни ташкил этишнинг бундай модели урушдан кейинги даврдаги Германия ва Японияда қўлланилган ва уларнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилган эди. Моделнинг камчилиги – молиявий ва саноат гуруҳлари раҳбарларининг нотўғри инвестицион қарорлар қабул қилишига нисбатан юқори сезувчанлик, шунингдек, уларнинг базавий технологиялари эскириши пайтида ишлаб чиқариш занжирларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ва капиталнинг қайтадан тўпланиш хавф-хатаридир.


Инвестицион жараённинг динамиклиги уни мувофиқлаштиришнинг мослашувчан воситаларини қўллашни талаб этади ва улар унинг барча босқичларига татбиқ этилиши керак. Бундай мувофиқлаштириш ўз олдига бир қатор вазифаларни қўяди ҳамда уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- потенциал инвесторга эркин маблағларнинг тўпланиши учун шароитлар яратиб бериш;
- инвесторлар учун иқтисодийда жозибдор тармоқлар, минтақалар ва корхоналарни ташкил этиш;

- иқтисодийга инвестицияларни жалб этишга ёрдам берадиган ҳуқуқий шароитларни давлат томонидан яратиб бериш;

- потенциал инвесторга динамик ривожланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инвестицион фойда ва даромадни олиш ва шу кабилар учун шароит яратиб беришларни киритиш мумкин.

Қуйидаги расмда инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар кўрсатилган:



4-расм. Инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар

Манба: Муаллиф ишланмаси.


Бу вазифаларни ҳал этиш инвесторлар, инвестицион воситачилар, инвестицияни олувчилар, минтақавий, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари зиммасига юклатилади. Мамлакат ривожланишининг турли босқичларида инвестицион жараённи мувофиқлаштиришнинг турли воситалари ва усуллари қўлланилади, уларнинг жамланиши ва мутаносиблиги инвестицион механизмни шакллантиради.

Инвестицион механизм мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки янгидан тузилаётган ишлаб чиқаришларни аванслаштириш манфаатлари учун барча даражалардаги инвестицион фаолиятга мақсадли равишда яратилган, ўзаро ҳаракат қиладиган таъсир ўтказиш тизими воситаларини ўзида акс эттиради. Инвестицион механизм қуйидаги тузилмавий элементлардан иборат бўлади: ресурсли, ҳуқуқий, мотивацияли, ташкилий.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ресурсли таъминлаши учта шаклларда фаолият кўрсатади: ички молиялаштириш (капитал қўйилмалар), ташқи реал инвестициялар ва қарзли ташқи молиялаштириш (кредитлар ва омонатлар). Шахсий устав фонди, даромаддан чегирмалар, амортизация, асосий фондларга су-

ғурта қопламаси, юқори турувчи холдинг ва акционерлик компанияларнинг молиявий маблағлари ва бошқалар ички инвестицияларнинг манбаси ҳисобланади. Ташқи инвестициялар ҳам турли хил манбаларга эга бўлади: федерал, ҳудудий ва маҳаллий бюджетлар, тадбиркорликни ривожлантириш фондларидан олинган молиявий маблағлар; молиявий маблағлар, моддий ресурслар, номоддий активлар кўринишидаги хорижий инвестициялар; халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг тўғридан-тўғри қўйилмалари; омонат маблағларининг турли шакллари (давлат, фондлар, банклар, бошқа ташкилотлар кредитлари, облигацияли омонатлар ва векселлар). Инвестицион механизмнинг ташкилий тузилмаси инвестицион жараённи бошлаш, турли лойиҳаларни режалаштириш ва амалга ошириш, инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирларни баҳолаш ва амалга оширишга ёрдам берадиган тузилма ва шароитларни яратишни кўзда тутаяди. Инвестицион фаолият учун ҳуқуқий нормалар ва солиқ қонунчилиги катта аҳамият касб этиб, капиталнинг самарали жойлаштирилиши ва ҳаракатланишига ёрдам беради.

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ



5-расм. Инвестицион механизмнинг тузилмавий элементлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар. Инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион ва тадқиқот фаоллиги, ахборот технологиялари соҳасида биринчи тоифадаги тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаш;

- технопарк ва инновацион кластерни ташкил этиш;

- хорижий инвесторлар учун қулай бўлган инфратузилма ва молиявий шароитларини шакллантириш. Улар қаторига: саноат корхоналарини қуриш учун ер участкалари, илий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари ва касбий тайёрлаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун грантларни, ер участкалари, бино ва технологик ускуналарини харид қилишга кетган харажатларни қоплаш учун капитал субсидияларини, солиқ имтиёзларни бериш;

- инвестицион жараёнлар инфратузилмаларини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчилик институтини шакллантириш.

Инвестицион жараённинг динамиклиги уни мувофиқлаштиришнинг мослашувчан воситаларини қўллашни талаб этади ва улар унинг барча босқичларига татбиқ этилиши керак. Бундай мувофиқлаштириш ўз олдида бир қатор вазибаларни қўяди ҳамда уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- потенциал инвесторга эркин маблағларнинг тўпланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- инвесторлар учун иқтисодийда жозибador тармоқлар, минтақалар ва корхоналарни ташкил этиш;

- иқтисодийга инвестицияларни жалб этишга ёрдам берадиган ҳуқуқий шароитларни давлат томонидан яратиб бериш;

- потенциал инвесторга динамик ривожланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва инвестицион фойда ва даромадни олиш ва шу кабилар учун шароит яратиб беришларни киритиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. // Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230) сони.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазибалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси матнини /Ш.М. Мирзиёев.

4. Ф.С.Тумусов. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика.-М., «Экономика», 1999. С.272.

5. Ш.И.Мустафақулов. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Тошкент: “BAKTRIA PRESS”, 2017 й., Б.39.

6. Хусанов Д.Н. Аграр соҳада инвестицион фаолликни ривожланишининг илмий-назарий асослари “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил.

7. Т.М. Смаглюкова. Методика комплексной оценки инвестиционной привлекательности регионов с учетом их отраслевой специализации / Т.М. Смаглюкова // Проблемы современной экономики. – 2007. – №3(23).

8. Основы экономической теории / под ред. В. Д. Камаева. - М:МГТУ им. Н. Э. Баумана, 1996. - 284 с.